2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 27 (27), 2020 йил 3 март, сешанба

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ





**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девонхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойни дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб турганини қайд этди.

Мамлакатларимиз етакчиларининг мунтазам учрашувлари икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини берди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортмоқда. Хитойнинг илғор компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Юқори мартабали меҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Президенти номига йўллаган шахсий мактубини топширди. Ушбу мактубда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилган ҳамда янги турдаги коронавирус тарқалишига қарши курашда кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирилган.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Хитой шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШҲТ ва бошқа тузилмалар доирасидаги конструктив мулоқотни мустаҳкамлаш, шунингдек, “Бир макон, бир йўл” ташаббусини илгари суриш доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

## МАҚТАБ ТАЪЛИМИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ЎРГАНИЛДИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ мамлакатда кадрлар муаммоси мавжудлиги, барча соҳаларга ислоҳотлар суръатига мос замонавий мутахассислар зарурлиги ҳақида айтган эди.

Шу мақсадда бутун таълим тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Мактабгача таълим ривожлантирилаётгани мактаб сабоқларига пухта замин бўлмоқда. Умумий ўрта таълим сифати илғор халқаро тажриба ва замон талаблари асосида юксалтирилмоқда.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим мактаби қурилди. Бундан ташқари, Президент мактаблари, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Темурбеклар мактаблари каби замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди. Шунингдек, охирги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ ҳудудларга бориб ишлайдиган педагоглар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш жорий этилди.

2019 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2021 йилгача мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилга қадар эса 50 фоизини “Замонавий мактаб”ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланди.

Буларнинг барчаси ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли ислоҳотларнинг илк босқичи эди.

Президентимиз шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мактаблар моддий-техник таъминотини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилишда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда 9 минг 942 та мактабнинг 2 минг 835 таси таъмирталаб. 5 минг 861 тасида ўқувчилар сони сиғимига нисбатан кўплиги сабабли дарслар 2 сменада ўтилмоқда. Жорий йилда 36 та янги мактаб қурилиб, 211 тасининг капитал таъмирланиши белгиланган.

Қурилиш вазирлигига мактабларни замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илғор технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиш вазифаси топширилди.

Маълумки, лабораториядаги амалий машғулотлар таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Машғулотда олинган билимнинг самараси бир неча карра юқори бўлади. Лекин бугун мактаблардаги 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялари йўқ. 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирган. 62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган, 7 мингта компьютер етишмайди. Шунинг учун мактаблардаги лабораторияларни замонавий жиҳозлаш ва улардаги дарслар кўламини ошириш талаб этилади.

Халқ таълими ва Молия вазирликларига амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимизда математика, кимё, физика ва биология дарсларининг 10 фоизигина амалий машғулотларга ажратилган. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 30–50 фоизни ташкил этади. Шу боис Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, аниқ фанларда амалий машғулотлар кўламини ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда педагог кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили аттестацияда иштирок этган қарийб 57 минг ўқитувчидан 43 фоизи паст баҳо олгани, мамлакат бўйича муаллимларнинг аттестация натижаларидаги ўртача кўрсаткичи 100 баллик баҳолаш тизимида 64 баллни ташкил қилгани айтиб ўтилди.

Педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, методик таъминотни янгича ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Болаларни ёшлигидан маънан ва жисмонан етук шахс этиб тарбиялаш мақсадида мактабларни бадиий адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, бошланғич синфларда мусиқа, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия машғулотларига янги мазмун бериш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди.

Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, **мингдан ортиқ** теле- ва радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирларда улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди, фуқароларимиз билдирган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида **уч мингдан ортиқ таклифлар** келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига **юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгартиш ва қўшимчалар** киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

Давоми 2-3-бетларда

## ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



“Дунё” АА

**Ўзбекистон янги суверен, мустақил давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил 2 мартда аъзо бўлди. Ушбу тарихий воқеадан кейин ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз БМТ ва унинг турли соҳалардаги ихтисослашган муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, Афғонистонда барқарорликка эришиш ва мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал қилиш, хусусан, Орол ҳалокати оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, туризмни ривожлантириш каби устувор масалалар кўп қиррали ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.**

1993 йилдан буён Тошкентда БМТ ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД), Аҳолишунослик жамғармаси (БМТАЖ), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТНЖБ), Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (БМТМОПДММ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Миграция халқаро ташкилоти (МХТ), шунингдек, Кўнгиллилар дастури Ўзбекистонда “БМТ оиласи”ни ташкил қилади.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЭП) ва Европа иқтисодий комиссияси (БМТЕИК), шунингдек, Жаҳон банки БМТнинг мустақил ихтисослашган органи сифатида тузилманинг мамлакатимиздаги ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш доирасида сўнгги тўрт йилда Ўзбекистон билан БМТ ўртасида юқори даражадаги сиёсий ҳамкорлик сезиларли фаоллашди. Буни Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси ва ихтисослашган тузилмаларидаги иштироки жонланганидан ҳам билиш мумкин.

Давоми 5-бетда

**2020 йил 1 июлга қадар “Mening fikrim” веб-порталининг мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилсин.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 март, 27-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1. **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида:**

2020 йилдан бошлаб **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида** фуқароларнинг **Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш,** сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи **“Электрон парламент” тизими** жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида **йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш** ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилсин;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини **“намунали Кенгаш”** сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилсин ҳамда **маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти** жорий қилинсин;

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида **давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг** ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги **ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби** амалиётга татбиқ қилинсин;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг **хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш,** шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида **Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш** тизими йўлга қўйилсин;

2020 йил 1 июлга қадар **“Mening fikrim” веб-порталининг** мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар **дастури,** тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича **“йўл харита”си,** Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепцияси ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган **стратегияси** қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. **Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:**

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан **томонларнинг** (прокурордан ташқари) **мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш** тартиби амалиётга жорий этилсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб,** назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини **биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган** ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати **жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилсин;**

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган **жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими** жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, тизимлаштирилган **“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг** янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи **қонун лойиҳалари** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

4. Кенг жамоатчилик истакларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда **доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш;**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги **янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин, унда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

доимий пропискага қўйишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларига риоя этиш бўйича талабларни;

пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни **“ягона дарча” тамойили асосида** амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлашни;

ҳудудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очишни;

б) Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда республика аҳолиси учун Тошкент шаҳри билан бир қаторда қўшимча равишда **“ўзига тортувчи марказлар”ни яратиш** мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилашни назарда тутсин.

5. **Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:**

2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини **давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинсин** ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга **камайтирилсин;**

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича **қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш** тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар **камида икки бараварга қисқартирилсин;**

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган **банклар трансформацияси бўйича “йўл харита”ларини амалга ошириш**га киришилсин, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган **банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш** чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган **Экспорт-кредит агентлиги** ташкил қилинсин;

2020 йилда **“рақамли маркировка ва онлайн касса”** лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда **“Э-омбор”** товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг **бир қисмини давлат томонидан қоплаш,** шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг **бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин;**

2020 йилда камида **800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилсин** ва **12 минг километр оптик толали алоқа линиялари ётқизилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, “Давлат молиявий назорати тўғрисида”-ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги ва “Расмий статистика тўғрисида”ги **қонун лойиҳалари,** Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш **стратегиялари,** Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш **концепциялари,** Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича **амалий чора-тадбирлар дастури** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича “йўл харита”сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илғор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибини тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан **“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб,** уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда “Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури”ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан “Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури” бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан **100 миллиард сўм** ажратилади;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи **Камбағалликни қисқартириш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда **бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини** шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи **тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг** самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан, **микромолиялаштириш хизматлари** ва **давлат харидларидан** фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;

банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб **тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни** беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг — санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли **рад этишга йўл қўйилмайди.**

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда **“UzTrans” ягона интерактив ахборот тизимида** ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини “онлайн” рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

**жисмоний шахсларга автомобиль транспортида** йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш **ҳуқуқини бериш** бўйича таклифларни киритсин.

15. **Ижтимоий ривожланиш соҳасида:**

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан **қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминлансин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкламаси мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида **асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилсин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича **давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилсин;**

2020 йилда камида **5 та олий таълим муассасаси**ни конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилсин;

2020 йилда **математика, кимё-биология, геология** каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун **мақсадли грант маблағларини ажратиш** механизми тубдан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда **мажбурий тиббий суғурта тизимини** жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида **Сирдарё вилоятида** ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолининг дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, **Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, “Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида”**ги ва **“Кинематография тўғрисида”**ги қонун лойиҳалари, **Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича “Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида **болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича,** шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида **ахборот тизимларини қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.**

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан, хорижий экспертлар иштирокида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, **ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари** қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида **тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.**

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**Бошланиши 1-2-бетларда**

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич **масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **2020 йил 1 августга** қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 январга қадар** тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ўқитишнинг ушбу шаклини амалга киритишнинг олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан **2020 йил 1 январдан кейинги давр учун** пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш **“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши** маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун **меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:**

**2005-2016 йиллар даври учун** жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

**2016-2018 йиллар даври учун** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

**2019 йил учун** фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун **архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади.** Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, **фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда:**

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур **маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши,** шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан, **автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш** бўйича таклифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни ҳисобга олган ҳолда **икки ой муддатда** ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга **вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари** (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, **“фрилансинг” (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш** бўйича “йўл харитаси”нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан **“Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими” дастурий-аппарат комплексини** (кейинги ўринларда — дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда дастурий-аппарат комплексининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа зарур тизимларга интеграциялашувини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари раҳбарлари идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинишини, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **“Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури** лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутсин:

а) **“Электрон ҳукумат” тизими**ни ривожлантириш йўналишида:

**ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш,** кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

**давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш** ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) **маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш** йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг **ягона реестрини** белгилаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг **ягона базасини шакллантириш;**

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) **давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш** йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавобгарлик давлат органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган **“маълумотларнинг ягона манбаи” тамойилини жорий этиш;**

ҳужжатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувига асосланган тизимга босқичма-босқич ўтиш.

24. Давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга “рақамли иқтисодиёт”, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга **харажатларни давлат томонидан қоплаш, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш** назарда тутилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда “Беш ташаббус” лойиҳасини молиялаштириш доирасида “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”да, “Ишга марҳамат” мономарказларида ва “Ёшлар технопарк”ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илғор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида **“Халқаро ёшлар инновация форуми”**ни ўтказиш ҳамда форум доирасида **“Энг яхши лойиҳалар”** танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда **соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш;**

**“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш йўналишида** идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шаклларини кенг қўллаш;

**иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида** молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

**телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида** Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, мобиль алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини **молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.**

28. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларида ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш **“Электрон ҳукумат” тизимининг ягона идентификаторларини қўллаган ҳолда** амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг **Электрон ҳукуматнинг идоралараро ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари ягона реестрини** (кейинги ўринларда — Ягона реестр), шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида қўлланилиши мажбурий бўлган “Электрон ҳукумат” тизимининг ягона идентификаторларини, маълумотномалар ва таснифлагичларнинг рўйхатларини (кейинги ўринларда — рўйхатлар) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

30. Белгилансинки:

Ягона реестрга идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг манфаатлари йўлида ишлаб чиқиладиган бошқа дастурий маҳсулотлар киритилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ягона реестрга киритилган идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси, Киберхавфсизлик маркази икки ой муддатда Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини “Электрон ҳукумат” тизимига тақдим этиш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар **давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда кейинчалик уни махфийликдан чиқариш** чораларини кўрсин.

33. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида **парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув маркази**ни ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда депутатлик корпуси ва сенаторлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутахассисларининг кўникмалари, малакаси ва салоҳиятини ошириш бўйича ўқув дастурларини рўёбга чиқариш;

қонун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш ва халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юкини мақбуллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ичида ва унинг ташқарисида масофавий ўқитиш учун таълим модуллари ва дастурларини ўз ичига олган ҳамда “Электрон парламент” тизими билан интеграциялашган “онлайн” тизим яратиш.

Белгилансинки, ўқув марказининг фаолият юритиши, таҳсил олувчилар ва хорижий давлатлар экспертларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро ташкилотлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин, 2021 йилдан эса ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига мазкур институтни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда тегишли йил учун Давлат дастури билан узвий боғлиқликда Ҳаракатлар дастурининг вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар кесимида бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борсин.

35. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий мамлакатлар билан 2020 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

36. Тўғридан-тўғри инвестицияларни, илғор тажриба ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик миссияларини фаол жалб этган ҳолда жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтлар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва амалий чора-тадбирларни тайёрлашни таъминласин.

37. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” марказининг қуйидагиларни амалга оширувчи **“Халқаро мунозара клуби”ни** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича **жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш** ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида **сўровлар ва ўрганишлар ўтказиб бориш;**

илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда **асосланган таклифларни ишлаб чиқиш;**

давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида **жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш.**

Белгилансинки, “Халқаро мунозара клуби” “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

39. Давлат дастури бандларини изчил ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чоракда** Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари **ҳар чоракда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлайди.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

42. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 2 март*

**Илгари ер олиш жараёнида 9 та ташкилотнинг хулосаси талаб этилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 6 тага камайтирилди. Яна бир муҳим янгилик: жараёнлар тўлиқ шаффоф ўтиши билан бирга, аукцион натижасига кўра харид қилинган ер рўйхатга олинади ва бу ерга ҳокимнинг қарори талаб этилмайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 март, 27-сон

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК КЕЛИШУВИГА ЭРИШИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАДИ

**Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўткир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири – Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишга қодирмиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

2020 йил 29 февраль нафақат минтақамиз, балки жаҳон тарихига муҳим сана сифатида муҳрланди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси, сиёсий иродаси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли қирқ йиллик уруш ва жангу жадаллардан жабр кўрган афғон заминида тинчлик-осойишталик, тараққиёт учун тарихий пойдевор қўйилди.

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида Америка Қўшма Штатлари ва "Толибон" ҳаракати ўртасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича битим имзоланди. Ушбу тарихий музокараларда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Тинчлик – энг азиз ва бебаҳо неъмат. Уни асраш инсониятнинг доимий орзуси бўлиб келган. Жафокаш афғон халқи бир инсоннинг умрига тенг йиллар ўтса ҳамки, тинчлик аталмиш неъматдан бебаҳра қолиб келмоқда.

Ўзбек ва афғон халқларини кўп асрлик тарих, ягона дин, ўхшаш анъана ва қадриятлар боғлаб туради. Халқимиз доимо афғон халқининг муаммоларини ўз юрагидан ўтказиб, ёрдам қўлини чўзишга интилиб келган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилган эди. Унда мамлакатимиз раҳбари томонидан қўшни Афғонистонда тинчликни таъминлаш бўйича илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу нуфузли конференцияда иштирок этиш учун Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрган эди.

Шу ўринда Тошкент конференцияси Афғонистон заминида тинчлик ўрнатиш жараёнларини тезлаштирганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда давлатимиз раҳбари қуйидаги муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Биринчи – афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус – муросага эришиш;

иккинчи – Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш;

учинчи – Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш.

Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташқи кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши беқиёс аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташаббусларни жаҳон ҳамжамиятига билдирар экан, бундан бошқа йўл йўқ эканлигига алоҳида урғу қаратган эди. Мазкур ташаббуслар Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг бош ғояси бўлганди.

Президентимизнинг ташаббусларидан сўнг томонлар ва сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатила бошланди. Чунки, бу масала Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференциясининг якуний ҳужжати – декларацияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган эди.

Тошкент конференцияси иштирокчилари Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афғон халқининг азоб-уқубатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлади. Анжуман қатнашчилари томонидан Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг саъй-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Доҳада Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган тарихий шартнома имзолангунига қадар Ўзбекистон ташқи ишлар вазири бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси бир қатор давлатларнинг Афғонистон бўйича махсус вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод билан бўлиб ўтган мулоқотда афғон заминида ўрнатиладиган тинчлик жараёнларида Ўзбекистон томони ва давлатимиз раҳбарининг Тошкент конференциясида илгари сурган ташаббуслари асосий ўрин тутгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, Афғонистонни келгусида ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

"Толибон" ҳаракати вакиллари билан ўтказилган учрашувда афғон заминида ўрнатиладиган тинчликдан томонлар бирдек манфаатдор эканига эътибор қаратилди.

Мулоқотда музокаралар жараёнига келиш осон бўлмагани қайд этилди. "Толибон" вакиллари "Биз қўшниларимиз, хусусан, Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида тинчликка эришяпмиз", – дея қайд этди. Улар Афғонистонни ривожлантириш ва тинчликни таъминлашда Ўзбекистонга суянишини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Афғонистондаги сиёсий кучлар ўртасида бетарафлик мақомига амал қилган ҳолда ҳаракат қилгани катта самара бергани таъкидланди.

Мулоқотда келажакда Афғонистон ҳукумати ва мамлакат ичкарисидаги сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни йўлга қўйишда Ўзбекистон амалий ёрдам беришга, шунингдек, Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш жараёнларида кўмак кўрсатишга тайёр экани билдирилди.

Анжуман доирасида яна бир қатор икки томонлама музокаралар ўтказилди. Уларда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг хозирги босқичи, келгусида ушбу диёрни ривожлантириш борасидаги фикрлар ўртага ташланди. Амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотларда халқаро делегациялар томонидан Тошкент конференцияси бўйича қабул қилинган якуний ҳужжат тарихий қарорга элтувчи декларация, дея баҳоланди.

Ушбу фикрлар Доҳада ўтган учрашувда ҳам таъкидланди. Хусусан, Тошкент анжумани ўтганидан сўнг Афғонистон масаласида амалий саъй-ҳаракатлар бошлангани халқаро ташкилотлар ва йирик давлатлар вакиллари томонидан муҳим тарихий воқеа, Афғонистонда тинчликка эришишнинг бошланиши сифатида алоҳида эътироф этилди.

Тинчликка эришиш шартномасини имзолаш маросимида АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео иштирок этди.

**ЎзА**

КУН МАВЗУСИ

**Абдушукур АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси

**Узоқ йиллар мобайнида "ҳамманики" ва "меники" деган тушунчалар билан яшадик ва натижада "меники" — энг устувор, ҳеч кимнинг унга кўз олайтиришга ҳаққи йўқ; "ҳамманики" эса кўпники, уни рухсатсиз ўзлаштирса бўлади, ҳеч ким билмайди, деган тушунчага ўрганиб қолдик.**
**Умумий мулкка, қолаверса, давлат мулкига беписанд, беэътибор кимсалардан, бировнинг мулкини ўзлаштирганда виждони "қимир этмайдиган"лардан жамиятимиз ҳанузгача тўла фориғ бўлгани йўқ.**



# ЕР — БИЗГА БЕРИЛГАН ОМОНАТ

Ҳалиям жамият мулкини ўзлаштириш, кўчадаги ерларни ўз ҳовли майдонига қўшиб олиш, экин экиб келинаётган, деҳқончилик қилинаётган, энг ёмони, вақтинча фойдаланишга, фермерлик ва тадбиркорликка муайян муддатга (эътибор беринг — омонатга!) берилган ер майдонларида тураржойлар қуриб олиш ҳолатлари кузатиляпти.

Сўнгги йилларда "Қонун — устувор, жазо — муқаррар" деган иборани ботбот эшитяпмиз. Буни тўғри тушунган, ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракати жазосиз қолмаслигини билган, ўзини, оиласини, ота-онаси, фарзандлари, набираларини севган, уларнинг келажагини ўйлаган ҳар бир инсон шубҳали қилмишлардан ўзини тияди, бундай ишлардан ҳазар қилади. Жумладан, ерни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатларда ҳам.

Аввало, "Ер қонунбузарлиги нима?", "Унга нималар киради?" деган саволларга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Ер қонунчилигининг бузилиши деганда ер қонунчилиги нормалари бузилишига олиб келадиган (ғайриқонуний) ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ер кодексининг 48-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган. Ушбу қонуний талабларни ҳар бир ердан фойдаланувчи билиб олиши, хоҳ вақтинча, хоҳ умрбод берилган ер майдонларини ўзидан кейинги авлодга сифатини туширмаган, унумдорлигини сақлаган ва оширган ҳамда ўзбошимчалик билан тураржой қурмаган ҳолда етказиб бериши шарт.

Ер қонунчилигининг бузилишига ҳанузгача чек қўйилмаганига сабаб бўлган бир неча омиллар мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиб кўрайлик.

## БИРИНЧИ САБАБ: СЎНГГИ ЧОРАК АСР ДАВОМИДА ЕРЛАРДАН ТЎҒРИ ВА ҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ИЗЧИЛ ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ МУНТАЗАМ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИЛМАГАНИ.

Мамлакатимизда ер билан боғлиқ қонун бузилишлари кўп йиллар олдин, собиқ иттифоқ даврида бошланган. Айниқса, янги ерларни ўзлаштириш ишларига киришилганида асосий эътибор экин майдонларини кенгайтиришга қаратилиб, айрим ҳолларда аҳоли енгил типдаги мавсумий (экин экиш ва ҳосилни йиғиштириш даврида яшайдиган) уйларда истиқомат қилган. Кейинчалик авлодлар алмашинуви натижасида енгил типдаги уйлар аста-секинлик билан (қайта таъмирлаш орқали) доимий тураржойларга, уйларнинг четидаги шох-шаббалардан ясалган тўсиқлар ғиштли деворларга айланган, экин ва томорқа ер майдонлари контурларининг муайян қисми ҳовли ер майдонларига қўшилган. Айрим ҳолларда аҳоли яшайдиган массивлар ҳам пайдо бўлган. Уларнинг аксарияти ҳуқуқий асос бўлувчи ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда йиллар мобайнида тураржойга айланиб кетган. Бу жараёнларнинг авж олишига собиқ иттифоқ парчаланганидан сўнг ер назоратчилари ва ер тузувчиларнинг штатлари кескин қисқартириб юборилгани, ер қонунчилигини бузишга нисбатан кўриладиган чораларнинг заифлиги ниҳоятда "қўл келган".

## ИККИНЧИ САБАБ: ЕР АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ШАФФОФ ЭМАСЛИГИ.

2018 йилгача ер ажратиш туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги комиссияларнинг хулосалари ва ҳокимнинг қарори асосида берилган. Бунда мурожаат этган фуқаро ойлаб комиссия хулосасини кутган ва салбий жавоб олганда унинг аниқ сабабларини билиш имконига эга бўлмаган. Айниқса, тендер орқали ер берилганда инсон омили деярли ҳар бир оралиқ жараёнларда ўз ўрнига эга бўлган. Жараёнларнинг шаффоф эмаслиги коррупцион ҳолатлар келиб чиқишига қулай шароитларни юзага келтирган.

Оқибатда ҳар доим ҳам ажратилаётган ерлар ўзларининг ҳақиқий эгаларини топмаган, айрим ҳолларда ер ҳақиқий фойдаланмоқчи бўлган тадбиркорга эмас, балки ердан ноқонуний фойдаланадиган ёки экин ерларини тураржой қуришга сотиб юборишни режалаштирган фуқароларга берилишига сабаб бўлган.

## УЧИНЧИ САБАБ: ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИНИ ҲИС ЭТМАСЛИК.

Ерларни назорат қилиш ишлари изчил йўлга қўйилмагани, ер қонунбузарлиги учун белгиланган жазо чораларининг таъсирчан кучга эга эмаслиги, ер ажратиш жараёнининг шаффофлиги таъминланмагани, айрим ҳолларда бунга алоқадор мутасаддилар (айрим ўзини ўзи бошқариш ва ҳокимият органлари, қишлоқ хўжалиги идоралари, қурилиш назорати ходимлари, ер тузувчилар ва архитекторлар)нинг коррупцион хатти-ҳаракатлари уюшган тус олган.

Сўнгги йилларда, айниқса, охирги икки йилда мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларини бошқариш, айниқса, ер қонунбузилишларининг олдини олиш, бу борада назоратни жиддий кучайтириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан қўшимча ер тузувчи штати киритилиб, ер тузувчилар фаолияти қайта жонлантирилди. Уларнинг сони 284 нафардан 1 134 нафарга оширилди. 2017 йилнинг биринчи ярмигача бир туманга атиги бир нафар ер назоратчиси тўғри келган бўлса, энди бу кўрсаткич ўртача 4–6 нафарга етди. Энг муҳими, бу борада назоратни олиб бориш ва ер тузиш ишлари мавсумийликдан доимийликка ўтказилди. Натижада жойларда ер билан боғлиқ кўплаб қонунбузилишлари аниқланди.

Мазкур қарор қабул қилингунга қадар мамлакатимизда ер назоратчилари томонидан 2015 йилда 841 та, 2016 йилда 825 та; қарор қабул қилингандан кейин — 2017 йилда 2 757 та, 2018 йилда 3 950 та, 2019 йилда эса 4 596 та қонун бузилиши ҳолати аниқланган. Бу асосан ерларни муҳофаза қилишга зид бўлган қонун бузилишлари, яъни ўзбошимчалик билан суғориладиган ерларни эгаллаб олиш, тураржой қуриш ёки қуриш учун бериб (сотиб) юбориш, ерларга ишлов бермай яроқсиз ҳолатга тушириш кабилардир.

Шу ўринда ер қонунчилигини бузиш ҳолати кўпайиб кетдими, деган савол туғилиши табиий. Йўқ, албатта, аслида бундай қонунбузарлик ҳолатлари бор эди, фақат уни тўлиқ аниқлаш имконияти чекланган ва охир-оқибат чора кўрилмай қолиб кетарди.

Аниқланаётган ер билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатларининг 98 фоизи сўнгги 30 йил мобайнида (2017 йилгача) содир этилгани инобатга олинса, назоратчилар сонининг тўрт бараварга оширилгани ер сиёсатини изчил ва сифатли юритиш учун муҳим асос бўлди.

2018-2019 йиллар мобайнида ер қонунчилигини бузганлик учун кўриладиган чораларнинг таъсирчанлиги жиддий равишда кучайтирилди. Хусусан, илгари ерларга зарар етганда ёки қаровсиз ташлаб қўйилганда катта ер майдонига ҳам, кичигига ҳам бир хил жарима белгиланган бўлса, энди бир неча баравар, шунингдек, қаровсиз қолдирилган ер учун солиқ ҳажми 3 баравар оширилди.

2019 йил 4 мартдан Жиноят кодексига суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик юзасидан $197^1$-модда киритилди. Унга кўра, юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйганлик учун қонун бузилишининг оқибатларидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, бу ҳол такроран ёки гуруҳ томонидан содир этилса, беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Шунингдек, 2019 йил 12 декабрдан ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ $229^4$-модда ҳам кучга кирди. Бунга кўра, ер бериш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, жавобгар базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 20 декабрдаги 1024-сонли қарорига мувофиқ, ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдорини қоплаш тартиби жорий этилди. Жумладан, ушбу қарор қабул қилингунга қадар ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахсларнинг 99 фоизига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 2-қисмига асосан, қанча миқдорда ер майдонини эгаллаб олишидан қатъи назар, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима қўлланар эди.

Энди янги тартиб бўйича нафақат маъмурий жарима қўлланади, балки ўзбошимчалик билан ернинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб кетишига сабаб бўлган ҳолатлар учун етказилган зарар миқдори ер майдонининг миқдорига қараб қопланади. Мисол учун, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 80 балл бонитетли 0,10 гектар суғориладиган ер майдонини фуқаро ўзбошимчалик билан эгаллаб, 0,04 гектарига уй-жой ва бошқа бинолар қуриб олгани аниқланса, 1024-сонли қарорга асосан, иншоот қургани учун фуқаро 49 миллион 887 минг сўм миқдорида ерга етказилган зарарни тўлайди. Шунингдек, ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 2-қисмига асосан, жавобгарга базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари, яъни 3 миллион 345 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланади.

2019 йил февраль ойидан бошлаб қишлоқ ҳудудига кирмаган ерларни якка тартибда тураржой қуриш учун электрон аукцион орқали ажратиш йўлга қўйилди. Тураржой қурмоқчи ёки тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар учун ҳеч қандай тўсиқларсиз электрон аукционда иштирок этиш, жараёнларни интернет орқали кузатиш имконияти яратилди.

Ўтган йилнинг октябридан янги меъёрлар ва услубият жорий этилди. Унга кўра, ноқишлоқ тоифасидаги ерни олиш истагида бўлган фуқаро ўзига маъқул бўлган ҳудуддаги бўш турган ерни электрон савдо орқали сотиб олиш билан бирга ўзи билган ерни аукцион дастурий платформасига таклиф этиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бундан ташқари, илгари ер олиш жараёнида 9 та ташкилотнинг хулосаси талаб этилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 6 тага камайтирилди. Яна бир муҳим янгилик: жараёнлар тўлиқ шаффоф ўтиши билан бирга, аукцион натижасига кўра харид қилинган ер рўйхатга олинади ва бу ерга ҳокимнинг қарори талаб этилмайди.

## ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАНГАН ЕРДА НОҚОНУНИЙ ТУРАРЖОЙ ВА БОШҚА БИНОЛАР ҚУРИБ ОЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

Ўзингизга тегишли бўлмаган ёки қурилиш учун рухсат берилмаган ерларда барпо этилган бино-иншоотлар юзасидан уйингизга ҳокимлик ёки махсус комиссия вакиллари келишини кутиб ўтирмай, ўзингиз ташаббус кўрсатиб, қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўринг. Уларнинг уйингизга келмагани ёки сизни четлаб ўтгани "қутулиб қолдингиз" деган маънони англатмайди. Айни пайтда энг замонавий воситалар(учувчисиз учиш қурилмалари, аэрокосмик суратлар ва дала ўлчовлари)дан фойдаланиб, катта маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. Шу боис ноқонуний қурилмаларни беркитиш имкони йўқ.

Сизга тегишли ва тегишли бўлмаган ер чегараларини аниқлаш юзасидан туманингизда жойлашган кадастр идорасига мурожаат қилинг. Чегараларни аниқлаштириш учун кадастр муҳандислари ва мутахассислари сизда ва идоравий архивда мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида ер чегараларини аниқласа, бунинг учун тўлов талаб этилмайди (ҳудудга чиқиб, техник ўлчашлар бундан мустасно).

Агар қонуний равишда сизга тураржой учун ажратилган ер майдонида, ўзингиз яшаб келаётган ҳовлида ҳокимнинг қарорисиз қурилган иншоотлар бўлса, ҳолат юзасидан туман архитектура ва кадастр идораларига мурожаат этиш орқали кейинги хатти-ҳаракатларингиз хусусида йўл-йўриқ олишингиз мумкин.

Ер — қатъий белгиланган тартиб-тамойиллар асосида фойдаланишимиз учун берилган неъмат. Уни келгуси авлодларимизга безавол етказиш — зиммамиздаги омонатдир. Шундай экан, фарзандларимиз ҳақига хиёнат қилмайлик! Акс ҳолда, жазо муқаррар!

**2018-2019 йиллар мобайнида ер қонунчилигини бузганлик учун кўриладиган чораларнинг таъсирчанлиги жиддий равишда кучайтирилди. Хусусан, илгари ерларга зарар етганда ёки қаровсиз ташлаб қўйилганда катта ер майдонига ҳам, кичигига ҳам бир хил жарима белгиланган бўлса, эндиликда бир неча баравар, шунингдек, қаровсиз қолдирилган ер учун солиқ ҳажми 3 баравар оширилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш 2017 йил июнь ойида мамлакатимизга ташриф буюрди ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашди. 2017 йил сентябрь ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ҳамда Пекинда 2019 йил апрель ойида ўтган "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро форуми доирасида ҳам Президентимизнинг БМТ Бош котиби билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотлар натижасида Ўзбекистон — БМТ ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича учта амалий чора-тадбирлар режаси қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги иштироки мамлакатимизнинг халқаро ташкилот билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берди. Ушбу тадбир давомида қатор муҳим халқаро ташаббуслар илгари сурилиб, муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Ҳамкорликдаги янги муҳит туфайли Ўзбекистон БМТнинг барча соҳалардаги жараёнлари фаол иштирокчисига айланди. Бу аъзо давлатларнинг мамлакатимизга бўлган ижобий муносабатида намоён бўлмоқда.

Хусусан, сўнгги икки йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида учта резолюция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу Ўзбекистон дипломатияси учун катта ютуқдир. Мамлакатимиз ҳозирги кунда кўп томонлама ҳамкорликнинг янги руҳини қўллаб-қувватлаган ҳолда аъзо давлатлар билан биргаликда Бош Ассамблеянинг яна бир муҳим резолюцияси ва Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилиниши устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Афғонистон Ислом Республикасида афғон халқига катта офатлар келтирган ва бутун минтақа учун жиддий таҳдид манбаи бўлган кўп йиллик қонли урушни тўхтатиш борасидаги ҳаракатларга алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатимиз можародан кейин Афғонистонда қайта тиклаш дастурларини амалга оширишга, хусусан, халқаро гуманитар юкларни етказиб бериш, кўплаб инфратузилма объектларини қуришга самарали ҳисса қўшмоқда. 2009 йил апрель ойида Ўзбекистондан Кобулгача электр узатиш линияси ишга туширилди. Янги Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясининг қурилиши эса Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергиясини етказиб бериш ҳажмини 70 фоиз, яъни йилига 6 миллиард кВт/соатгача ошириш ҳамда Кобулнинг Марказий Осиё ягона энергия тизимига уланишига имкон беради.

Тошкентда 2018 йил март ойида Афғонистон бўйича юқори даражали конференция ташкил этилди. Ўша йилнинг апрель ойида эса халқаро тадбир бўйича қабул қилинган якуний декларация БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ва Хавфсизлик кенгаши расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ҳақидаги маълумотлар БМТ Бош котибининг 2018 йил сентябрь ойида эълон қилинган "Афғонистондаги вазият ҳамда унинг халқаро тинчлик ва хавфсизликка таъсири" номли ҳисоботига киритилди.

**БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 22 июнь куни "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" тарихий резолюциясининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни юқори даражада ривожлантириш бўйича ташаббуслари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётганидан даракдир.**



**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2018 ЙИЛ 12 ДЕКАБРДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА "МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК" МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН УШБУ ҲУЖЖАТ БМТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ. ШИМОЛИЙ ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ, ОСИЁ, АФРИКА ВА БОШҚА ҚИТЪАЛАРНИНГ 50 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТИ УШБУ ҲУЖЖАТ ҲАММУАЛЛИФИГА АЙЛАНДИ.**

Бугунги кунда Ўзбекистон ва БМТнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлиги янада фаоллашиб бормоқда. Ушбу соҳада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев яна бир ўткир ва долзарб глобал муаммога — Орол денгизи фожиасига эътиборни қаратди ва дунё ҳамжамиятини "ушбу экологик офатнинг Марказий Осиёда яшаётган миллионлаб одамлар турмуш тарзига ҳалокатли таъсирини камайтиришга ва табиий, биологик табиатни сақлашга" чақирди.

Орол денгизининг экологик ҳалокати жиддийлигини инобатга олиб, мамлакатимизда ушбу фожиа оқибатларини юмшатиш бўйича қатор муҳим халқаро тадбирлар ўтказилди. Хусусан, 2008 йил март ойида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофондига таъсири, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда улар оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик чоралари" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда БМТ вакиллари фаол иштирок этди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 63-сессиясида барча иштирокчилар томонидан бирдек маъқулланган ва Ўзбекистон ҳаммуаллифларидан бири бўлган "Оролни қутқариш халқаро жамғармасига Бош Ассамблея ҳузурида кузатувчи мақомини бериш тўғрисида"ги резолюция қабул қилингани муҳим воқеа бўлди. Оролбўйи ҳудудидаги вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилашга қаратилган, Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасидаги раислиги доирасида ишлаб чиқилган "Орол денгизининг қуриши ва Орол денгизидаги экотизим фалокатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури" БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилганди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг умумий муҳокамаси чоғида илгари сурган ташаббусга биноан, 2018 йилда БМТ шафелигида Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонд ўз фаолиятини бошлади. Жамғарма тақдимоти чоғида БМТ Бош котиби таъкидлаганидек, "Ушбу тузилма маҳаллий аҳолининг яшаш шароитини сезиларли даражада яхшилайди ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга кўмаклашади. Мақсадли фонд томонидан қўллаб-қувватланаётган дастурлар минтақада янги иш ўринларини яратишга ёрдам бермоқда. Хусусан, ушбу иш ўринларида 45 фоиз хотин-қизлар банд. Иш билан таъминлаш уларнинг имкониятларини кенгайтириб, тиббий хизматлардан фойдаланиш шароитини яхшилади ва фаровонлигини оширди".

Норвегия ҳукумати 2018 йил 28 март куни Нью-Йоркда Траст фонд учун 1,1 миллион доллар ажратиш бўйича шартнома имзолади. 2019 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистон делегациясининг Брюсселга ташрифи чоғида Европа Иттифоқи томонидан Траст фондга 5,2 миллион евро миқдорида маблағ берилишига доир битим имзоланди. Шунингдек, Финляндия ҳам фонд фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 1 миллион евро ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳозирги вақтда Корея Республикаси ҳукумати Траст фондга 1 миллион доллар миқдорида грант маблағларини йўналтиришни кўриб чиқмоқда. Германия, Япония, Хитой, Саудия Арабистони, Россия, Туркия ҳам Траст фонд билан ҳамкорлик имкониятларини ўрганмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган ташаббуси халқаро майдонда кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг ташаббуси билан Нукусда 2019 йил 24-25 октябрь кунлари БМТ шафелигида юқори даражадаги "Оролбўйи — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди" халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда 28 мамлакатдан 250 га яқин иштирокчи, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Қатнашчилар Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини мамнуният билан маъқуллади. Мамлакатимизнинг Орол фожиаси салбий оқибатларини юмшатиш бўйича олиб бораётган амалий ишларига юқори баҳо берилди. Айни пайтда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризм жадал ривожланмоқда. Бунда Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Самарқандда UNWTOнинг Буюк ипак йўлидаги туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2019 йил 19 декабрдаги ялпи мажлисида "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" махсус резолюцияси қабул қилинди. Ушбу ташаббус Президентимиз томонидан Пекинда 2019 йил апрель ойида БМТ Бош котиби А.Гутерриш билан учрашув чоғида илгари сурилган эди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий Осиё мамлакатлари номидан тақдим этилган ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ушбу ҳужжат ҳаммуаллифи сифатида Шимолий ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъалардан 50 дан зиёд мамлакат иштирок этди. Бу Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва халқаро ҳамжамият томонидан ўз вақтида қабул қилинганидан далолат беради.

Мазкур резолюцияда Марказий Осиё мамлакатларининг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланишга доир кун тартибини амалга оширишда саъй-ҳаракатларнинг муҳимлиги, минтақада барқарор туризмни ривожлантириш бўйича ўтказилаётган турли халқаро тадбирлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари томонидан туристик секторга халқаро молия ва инвестицияларни кенг жалб қилишга доир кўрилаётган чоралар қайд этилган.

Ўзбекистонда БМТ билан ҳамкорликда диний бағрикенгликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, ёшлар ҳаётига оид долзарб муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусини ҳам илгари сурганди.

Президентимиз Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади "барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат" эканини таъкидлади. Ҳужжат "бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган"ини қайд этди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи мажлисида "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан қисқа муддатларда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Шимолий ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан ортиқ мамлакати ушбу ҳужжат ҳаммуаллифига айланди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган изчил ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида етакчи ташкилот — БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши(ИҲК)га 2021–2023 йиллар учун ўз номзодини илгари сурди. Ўзбекистоннинг БМТ ИҲКга сайланиши нафақат кўп миллатли халқимизнинг фуқаролик жамияти институтлари билан муваффақиятли интеграциялашувини акс эттиради, балки нуфузли халқаро инсон ҳуқуқлари тузилмаси доирасида ўз мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон БМТ билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик негизида Бош котиб А.Гутерриш бошлаган ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда. Қисқа ва ўрта муддатли истиқболда эса кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида юртимизнинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш учун ушбу халқаро ташкилот платформасидан янада фаолроқ фойдаланишга эътибор қаратади.

Бунда БМТга аъзо давлатлар иштирокида Оролбўйи минтақасида Траст фонд фаолиятини янада ривожлантириш, экологик ва иқтисодий соҳада қўшма лойиҳаларни миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Жорий йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун қабул қилинадиган янги ҳадли битим доирасида маданий ва тарихий воқеаларни акс эттирувчи турли тадбирларни ташкил этиш мамлакатимиз салоҳиятини акс эттиради.

Ҳозирги кунда БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг Оролбўйи минтақасини "Экологик инновациялар ва технологиялар зонаси" деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини ишлаб чиқиш ҳамда уни қабул қилиш, шунингдек, БМТ турли органлари, шу қаторда 2021–2023 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзолигига Ўзбекистон номзодини илгари суриш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, узоқ муддатли тинчликнинг фаол тарафдори ва ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ташаббускори сифатида Ўзбекистон бундан буён ҳам БМТ ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорликка катта эътибор қаратади. Бунда БМТ раҳбариятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонч билдириш мумкин. Зеро, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар БМТ глобал мақсадлари, шу жумладан, сайёрамизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

ДАСТУР ИЖРОСИ

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## ФАРОВОНЛИК ВА ЮКСАЛИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

**Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оилаларда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда аҳолининг бандлик даражаси муҳим омил саналади. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалаларга тўхталиб, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида бу йўналишдаги ислоҳотлар изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлади. Тегишли давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигида жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали беш юз мингта янги иш ўрни яратиш вазифаси белгиланди.**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим ҲУСАНОВ билан суҳбатимиз ушбу йўналишда вазирлик томонидан амалга ошириладиган чора тадбирлар, шунингдек, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, ишсизликни бартараф этиш борасида амалга ошириладиган лойиҳаларга бағишланди.

— Инсон камолга етиб мустақил ҳаётга қадам қўяр экан, танлаган касбидан ёки қизиқишидан келиб чиқиб ҳалол меҳнат қилиш орқали оиласи фаровонлигини таъминлашга интилади. Шу боис дунёда ҳар бир давлатни ривожланиш жараёнларига баҳо беришда аҳолининг бандлик даражаси муҳим мезон саналади.

Мамлакатимизда сўнгги уч йилда бу борада жамиятимиздаги долзарб муаммоларга ечим топиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хорижда ишлаётган ватандошларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайди. Бу соҳадаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида ўн бешдан кўпроқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлаш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этилиши, тадбиркорлик учун кенг кўламли кафолатланган имконият ва шароитлар яратилиши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги имкониятлар туфайли сўнгги уч йилда бир миллиондан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

"Ҳар бир оила — тадбиркор", "Yoshlar — kelajagimiz" дастурлари доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга биргина 2019 йилнинг ўзида 5,9 триллион сўм кредит ажратилди. Бунинг натижасида 300 мингдан ортиқ аҳоли доимий даромадга эга бўлди.

**— Сир эмас, мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси анча юқори. Жойлардаги меҳнат органлари бу муаммоларга ечим топиш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Кейинги йилларда бу муаммоларга республика ва ҳудудлар даражасида эътибор кучайди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилдан Бандликка кўмаклашиш жамғармасини республика бюджетидан тўғридан-тўғри молиялаштириш тизимига ўтилганлиги, айниқса, бу борадаги долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим қадам бўлди. Мазкур жамғарма томонидан соҳадаги ишларни молиялаштиришга 2018 йилда 150 миллиард сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу маблағ қарийб уч баробарга кўпайиб, 430 миллиард сўмдан ошди.

Натижада биргина 2019 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган қарийб уч юз олтмиш минг нафар ишсиз фуқаро доимий ишли бўлди. Меҳнат бозоридаги реал талабдан келиб чиқиб, 36 минг нафардан зиёд ишсиз аҳолига замонавий мутахассисликлар ва миллий ҳунармандчилик бўйича касб-ҳунар ўргатилди. Қарийб 60 минг нафар аҳолига иш топгунига қадар ишсизлик нафақаси тўланди. Охирги уч йилда 646 минг нафар аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, жумладан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги лойиҳаларга жалб этилди.

Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз шахсларга ва иш берувчиларга бир марталик субсидиялар ажратиш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, ишсизларни, айниқса, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитиш мақсадида касб-ҳунар таълими муассасаларига грантлар ажратиш йўлга қўйилди.

**— Норасмий тармоқда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳуқуқини ҳимоялаш, уларнинг қонуний меҳнат бозорига интеграциялашишига кўмаклашиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.**

— Тўғри, бугун юртимизда меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан, меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ оилавий тадбиркорлик, мавсумий ишлар билан банд бўлган аҳоли сони иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 58 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзини ўзи банд қилган ушбу фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда жойлардаги меҳнат органларининг "бандлик хизмати" ахборот тизимида вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш дастури ишлаб чиқилди. 2019 йилда қарийб қирқ минг нафар аҳолига шундай гувоҳнома тарқатилди, уларнинг 20 мингга яқини хотин-қизлар, 8 891 нафари ёшлардир.

Бундан ташқари, кейинги йилларда ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун иш стажини юритиш ва нафақа ёшига етганида пенсия олиши учун қулай имкониятлар яратилди. Яъни оиласида чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик ва бошқа йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномаси асосида меҳнат органларига бориб, (базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баробаридан 4,5 баробаригача) белгиланган миқдордаги тўловларни амалга ошириб, иш стажини юритиши мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлашда интернет тармоғида my.mehnat.uz URL-манзилида ташкил этилган "Ягона миллий меҳнат тизими" ҳамда "Электрон меҳнат шартномаси ва электрон меҳнат дафтарчаси" ахборот тизимлари ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

**— Жорий йилда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қандай муҳим чора-тадбирлар режалаштириляпти?**

— Энг аввало, бу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, жаҳондаги илғор тажрибаларни миллий қонунчилигимизга имплиментация қилиш ниятидамиз. Шу мақсадда учта янги қонун лойиҳаси, ўндан ортиқ янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг учта конвенцияси ратификация қилинади.

Шу билан бирга, жорий йилда йирик тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ижтимоий инфратузилмани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳисобига икки юз мингдан кўпроқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига икки юз тўқсон мингга яқин иш ўрни ташкил этиш параметрлари ишлаб чиқилмоқда.

2020 йилда аҳоли бандлигини таъминлашда иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар кўлами янада кенгайтирилади. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги қарори асосида Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё вилоятларининг чекка туманларида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш орқали ишсиз, кам таъминланган, меҳнат миграциясидан қайтган аҳоли ва уларнинг оила аъзолари бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ишлари олиб борилади.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тажриба тариқасида ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўрни яратадиган кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли тартибда имтиёзли микрокредит ва субсидия ажратишни режалаштирмоқдамиз.

Ишсиз аҳолини касбга ўқитиш мақсадида 30 та касб-ҳунар коллежи негизида "Ишга марҳамат" мономаркази намунасидаги замонавий ўқув марказлари ташкил этиш режалаштирилган. Жорий йилда 40 мингга яқин фуқаро касбга қайта ўқитилади. Шу мақсадга Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион долларлик имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Жанубий Корея ҳукуматининг 23 миллион доллардан ортиқ грантини жалб этиш бўйича келишув имзоланди. Унга кўра, Фарғона, Урганч ва Тошкент шаҳарларида замонавий ўқув марказлари ҳамда пойтахтимизда малака ошириш, касбий малакани баҳолаш ва тасдиқлаш маркази ташкил этилади.

Яна бир муҳим янгилик. Жорий йилда иш билан банд бўлган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар "Ягона миллий меҳнат тизими" маълумотлар базасига киритилади. Табиийки, бу электрон меҳнат дафтарчасини юритиш, иш фаолияти ҳақида қоғоз кўринишида маълумотномалар талаб этилишининг олдини олиш ҳамда нафақа ёшига етганда фақат паспорт билан бориб бу жараённи расмийлаштириш учун муҳим имконият бўлади.

Олдимизда яна бир долзарб вазифа бор. Бу — инсон капитали даражаси ва миллий ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш масаласи. Барчамиз яхши биламиз, жаҳон тажрибасида бу йўналишда кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда. Аввало, барча соҳалар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва замон талабидан келиб чиқиб уларнинг мунтазам малакасини ошириш, соҳалар учун кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори талабини атрофлича ўрганиш, меҳнат бозорида кадрлар сони билан бир қаторда сифатига катта эътибор берилиши натижасида қатор давлатлар иқтисодий жиҳатдан юқори натижага эришмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ана шундай илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, бу йўналишда концепция ишлаб чиқишга киришилган. Унда малакали кадрлар тайёрлашда таълим ва фан интеграциясини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тизимида иш билан банд бўлган мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш, меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.**

**Динига, ватанига ақли ва қалби билан хизмат қилиб ўтган бу буюк олимнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани конференция аҳамиятини янада оширади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 март, 27-сон

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

O'zbekistondagi diniy-ma'rifiy muassasalar va Al-Azhar majmuasi
Imom Moturidiy
ILMIY MEROSI

# ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ЖАМ БЎЛИШДИ

Самарқанд, 2 март. Махсус мухбиримиз Аброр УМАРҚУЛОВ хабар қилади.

**Юртимиз яна бир йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилмоқда. Шу йилнинг 3–5 март кунлари Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Унда Германия, Иордания, Босния ва Герцоговина, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Болтиқбўйи каби етмишга яқин давлатдан таниқли олимлар, уламолар, экспертлар иштирок этади.**

Улар орасида дунёга машҳур Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Миср Бош имоми Аҳмад Таййиб, Мусулмон донишмандлари кенгаши Бош котиби Абдуллоҳ Абдулғаний Сархан, Гамбург университети Дунё илмлари академияси профессори, доктор Ҳурайра Кам сингари ислом динининг йирик вакиллари бор. Мазкур анжуман Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида Мисрдаги Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Ушбу нуфузли тадбир олдидан ўтказилган матбуот анжуманида тадбирдан кўзланган мақсад ва унинг аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Кун давомида Самарқанд темир йўл вокзали ҳамда аэропортида анжуман иштирокчилари кутиб олинди. Эртароқ келган меҳмонлар вилоятдаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди, шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

# ИНСОНИЯТ БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИГА ЭҲТИЁЖ СЕЗМОҚДА, ДЕЙДИ МИСРЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР

“Дунё” АА

**Жорий йил 3–5 март кунлари Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида халқаро конференция ўтказилади. Айни кунда ушбу нуфузли анжуманга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тадбирга халқаро жамоатчилик ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. “Дунё” АА мухбири Миср Араб Республикаси исломшунос олимларининг Мотуридий таълимоти ва конференцияга оид фикрлари билан қизиқди.**



**Назир Муҳаммад Аяд, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлар институти бош котиби, профессор:**

— Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган халқаро конференция ислом тамаддунига муҳим ҳисса қўшган буюк олим, аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг улуғ имомларидан бири, Мовароуннаҳр диёрида ҳанафий мазҳабини ёйишдек улкан масъулиятни ўз зиммасига олган Имом Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари илмий меросини чуқур ўрганишга бағишланади.

Динига, ватанига ақли ва қалби билан хизмат қилиб ўтган бу буюк олимнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани конференция аҳамиятини янада оширади.

Дарҳақиқат, бугунги кундаги каби фикрий ихтилофлар даврида яшаб ўтган Мотуридий Ҳақ каломи ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўгитларига доир манҳажий далиллар, илмий асос ва ақлий таҳлил орқали аҳли исломни бағрикенг ҳанафий мазҳаби атрофида бирлаштирган. Таассуб ва фикрий тажовузкорлик тарафдорларига қарши гўзал услубда мунозара ва мулоқот қилиш тамойилларини белгилаб берган.

Афсуски, тинчлик дини сифатида эътироф этилган ислом тамойилидан умуман йироқ бўлган фикрий мутаассиблик, ақидавий ихтилофлар, уруш, қуролли тўқнашувлар беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда ҳам Имом Мотуридий мероси алоҳида аҳамият касб этади. Олим ўз ҳаётида фақат Қуръон манҳажи доирасида ҳукм қилган ва бошқалар билан мулоқотда айнан шу тамойилга асосланган.

Имом Мотуридий асосли ақидавий талқин, сабр ва гўзал мавъиза ила фикрий мухолифлари қарашларини солиҳ йўлга ўзгартира олгани тарихдан маълум.

Зеро, Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримда “Раббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мунозара қил. Албатта, Раббинг унинг йўлидан адашганларни ҳам ва ҳидоят топгувчиларни ҳам ўта билгувчидир”, деб буюради.

Динимизнинг айнан раҳм-шафқат, мўътадиллик ва ахлоқий баркамоллик тамойиллари ҳанафий мазҳабининг Ер юзида кенг ёйилиши ва мўминлар қалбини эгаллашига асосий сабаб бўлган.

**Ҳанафий мазҳабининг ушбу асосий тамойиллари ҳозирги пайтда ҳам долзарб бўлиб, уни чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишимиз шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу муҳим илмий меросни ўрганишга бағишланган конференция ташкилотчиларининг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ.**

Шубҳасиз, анжуман фикрий қарама-қаршиликлар, ақидавий ихтилофлар, ғализ мақсадларини диний ниқоб билан беркитувчиларга қарши илмий, фикрий, ғоявий минбар вазифасини ўтайди.

Анжуманнинг яна бир долзарблиги шундаки, у Имом Мотуридийнинг она Ватанида, Ўзбекистон диёрида, муборак олимлар юртида ўтказилмоқда. Бу ўлка буюк олим таълимоти, илмий мероси ва аҳли сунна вал жамоа мазҳабини асрлар оша сақлаб келган.

Мен конференция муваффақиятли ўтишига ишонч билдириб, Ўзбекистон Президентига, тадбир ташкилотчиларига уни ташкил қилгани учун миннатдорлик изҳор этаман.



**Муҳаммад Дувайний, Ал-Азҳар академияси ректори, имом, воиз:**

— Самарқандда бўлиб ўтадиган конференцияда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимдан ғоят хурсандман. Конференция ислом оламида ўзининг ғоялари, қарашлари ва тафаккури билан кўзга кўринган Имом Абу Мансур ибн Муҳаммад Мотуридий фаолиятига бағишланади. У ислом фиқҳи асосчиларидан бири бўлиб, динда мўътадиллик ва бағрикенглик тамойиллари бирламчи эканини таъкидлаган. Мотуридий ғоялари асосида 4 мазҳабни бирлаштирган аҳли сунна вал жамоа шаклланди.

Мазкур жамоа Оллоҳнинг китоби — Қуръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига тўлалигича таяниш, ақл ва тафаккурга суяниб яшаш, сабр-қаноатли бўлишга чақиради. Мотуридий устози Имом Аъзам Абу Ҳанифадан олган билимларини янада бойитиб, ҳанафий мазҳаби ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган олимдир. Унинг олий хизмати шундан иборатки, Қуръони карим оятларини тўғри тафсир қилиб, инсонларга унинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириб берган.

Бугунги кунда ҳам инсоният унинг фикр-мулоҳазаларига эҳтиёж сезмоқда, чунки инсон қадр-қиммати, унинг жамиятда тутган ўрни Мотуридий таълимотида юксак ўрин эгаллайди. Шак-шубҳа йўқки, ислом инсонийликка, дини ва ирқидан қатъи назар, тинч ва хотиржам яшашга, бағрикенглик ва бирдамликка чақиради.

Кўплаб буюк олимлар етишиб чиққан Ўзбекистон диёрида мазкур конференциянинг ўтказилиши жуда муҳим аҳамият касб этиб, унда Мотуридий таълимоти ҳозирги мусулмон жамиятида қандай ўрин ва таъсирга эга экани кўриб чиқилади.

Ал-Азҳар академияси ҳам одамларга бағрикенг бўлишни, ислом динида мўътадил йўлни танлашни тарғиб этиб келмоқда.

Миср томони давлатингиз раҳбарининг мазкур соҳадаги барча саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ва бу каби тадбирларда доимо иштирок этишга тайёрлигини билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбир ташаббускори бўлмиш Ўзбекистон Президенти ҳамда барча ташкилотчиларга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман. Шубҳасиз, конференция якуни бўйича эришиладиган натижалар барча қатнашувчи давлатлар, қолаверса, ислом уммати учун жуда фойдали ва самарали бўлади.

Ирода ТОШМАТОВА



**2019-2020 ўқув йилида абитуриентлар олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун ОТМ қабул комиссиялари, Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатдан ўтказилди. Қабулнинг охирги кунлари (8–15 июль) жойларда навбатлар юзага келиб, ота-оналарнинг эътирозларига сабаб бўлди.**

# АБИТУРИЕНТЛАРГА
## МОБИЛЬ ИЛОВАЛАР ЁРДАМГА КЕЛАДИ

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат тест маркази томонидан ўтказилган “Абитуриентларга қулайлик яратишга мўлжалланган дастурий таъминотлар тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги брифингда жорий йилда бу каби камчиликлар юз бермаслигини таъминлаш, фойдаланувчиларга қулай шароит ва имконият яратиш мақсадида бундай хизматни кўрсатувчи Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ташқари, Давлат тест маркази ҳам абитуриентларга ўзининг расмий сайти орқали рўйхатдан ўтиш хизматини жорий этаётганини маълум қилди.

— Бу йилдан бошлаб, бу тизим анча осонлашади, — деди Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Улуғбек Нормалиев. — Энди, абитуриент уйидан чиқмай рўйхатдан ўтиш, таълим йўналишларини танлаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, бундай имконият ва қулайликлардан мобиль иловалар орқали ҳам фойдаланиш йўлга қўйилади.

Брифингда таъкидланганидек, ҳозирда абитуриентларни рўйхатга олиш тизими синовдан ўтказилаётган бўлса, дастурий таъминот бўйича ана шундай жараённи март-апрель ойларида амалга ошириш режалаштирилган. Яна бир қулай жиҳати, Давлат тест марказининг веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиш учун фақатгина паспорт (у бўлмаган ҳолда, шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат), диплом ёки шаҳодатнома, агар мавжуд бўлса, имтиёз берувчи ҳужжат зарур бўлади.

Жорий этилаётган мазкур тизим абитуриентларга уйидан чиқмай рўйхатдан ўтиш, ортиқча вақт ва харажатларни тежаш имконини беради.Табиийки, бундай шароитда ўтган йилги хатолар такрорланмайди, ота-оналар ҳам мамнун бўлади.

ДЎСТЛИК РИШТАСИ



# БАҲОР БИЛАН ЕТАКЛАШИБ КЕЛГАН БАЙРАМ

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**Славян халқлари қишнинг якунланиши ва баҳорнинг кириб келишини қувноқ халқ сайиллари шаклида кенг миқёсда тантана қилади. Бу анъанавий байрам “Масленица”, “Широкая масленица” номлари билан машҳур.**

Мамлакатимиз славянлари ҳам мазкур байрамни кўтаринки руҳда нишонлайди. Ўзбекистонда ҳар бир халқнинг қадриятларига, урф-одатларига, диний ва маънавий қарашларига ҳурмат йўғрилган бағрикенглик сиёсати юритилаётгани бунга имкон беради.

Тошкентдаги “Наврўз” истироҳат боғида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Рус миллий маданий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган маънавий-маданий дастур ушбу сиёсатнинг бир намойиши бўлди.

“Широкая масленица” деб номланган тадбирда мамлакатимиздаги вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, миллий маданий марказлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўкламнинг майин насими эсиб турган боғда янграган куй-қўшиқлар, рақслар, танловлар, турли халқлар вакилларининг байрамона миллий таомлар кўргазмаси тадбирга ташриф буюрганларга баҳорий кайфият улашди.

— Юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, халқаро тотувлик, диний бағрикенглик бугунгидек байрамларни ўтказишга замин яратмоқда, — дейди Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қурбонов. — Зеро, дунёдаги барқарорликни таъминлашга пойдевор бўладиган асосий куч ҳам ўзаро биродарлик ва ҳамжиҳатликдир.

Рус миллий маданий маркази раҳбари Сергей Миронов “Масленица” байрамининг асосий ғояси одамийлик, меҳр-оқибат ва аҳиллик, инсонларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва бирдамликка чақириқ эканини таъкидлади.

Байрам доирасида меҳмонлар, иштирокчилар ва ёшлар учун амалий ва тасвирий санъат, ҳунармандлик бўйича маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

ХАБАР

А. НУРУЛЛАЕВ

**Мамлакатимизда рақамли банкингни ривожлантириш концепциясига мувофиқ, Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда QR-код орқали (“Quick Response Code” - тезкор аниқланадиган код) тезкор тўловни амалга оширишнинг “QR-online” стандартлаштирилган ва универсал хизмати ишга туширилди.**

# ЯНГИ ТЕЗКОР ТЎЛОВ ХИЗМАТИ

Марказий банк матбуот хизматининг маълумотига кўра, мазкур тизим доирасида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари (хўжалик юритувчи субъектлар) ўзларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали QR-кодни шакллантириб, рўйхатдан ўтказадилар. Харидорлар томонидан мобиль илова дастурлари воситасида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг QR-кодларини сканер қилиш (“ўқиш”) ҳамда харид суммасини киритиш орқали тўловлар амалга оширилади. Бунда пул маблағлари мобиль иловага бириктирилган банк карталари ҳисобварақлари ва электрон пул ҳамёнлардан ҳисобдан чиқарилади.

Янги тизим мавжуд муқобил тўлов хизматларидан фарқли ўлароқ, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган ва Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан узвий боғлиқликда ишлайди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида татбиқ этиш доирасида тижорат банклари томонидан 3 мингдан ортиқ хўжалик субъектларининг савдо ва хизмат кўрсатиш пунктлари “QR-online” тизими стикерлари билан таъминланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 834.
42704 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** A2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 04:05 Топширилди — 06:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод
Навбатчи: Соҳиба Муллаева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй